

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ 2009 ЙИЛГИ
ФАОЛИЯТИ: РАҚАМЛАР ВА ФАКТЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2010

78.342 (5 Ў)
Ў 17

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	О. Қиличбоев
Муҳаррир	Ж. Қўнишев
Масъул муҳаррир	Ҳ. Маматраимова

Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасаларининг 2009 йилги фаолияти: рақамлар ва фактлар: Метод. қўлланма /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи О. Қиличбоев; Муҳаррир Ж. Қўнишев; Масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010.-60 б.

КБК 78.342 (5 Ў)+ 78.30 (5Ў)

Ушбу қўлланмада республикадаги ахборот-кутубхона муассасаларининг 2009 йилда амалга оширган ишлари ҳақида умумий маълумотлар, шунингдек, уларнинг сони, фонди, олинган янги адабиётлар, китобхонлар сони ва бошқа муҳим статистик маълумотлари берилган.

Қўлланма ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари мутахассислари ҳамда кутубхоначилар учун мўлжалланган.

Тузувчидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорида Идоралараро кенгашнинг ишчи органи бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига тармоқлараро ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарни улар фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ҳамда бошқа масалалар бўйича масъулиятли вазифалар юклатилган. Бу вазифаларни амалга ошириш бўйича кутубхона республика ахборот-кутубхона муассасаларининг 2006 йилдаги Президент қарорининг бажарилиши бўйича мониторингини ўтказди ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар беради.

Илмий методика бўлими ҳам бу борада қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳар йили ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг йиллик статистик маълумотларини йиғди ва таҳлил қилади. 1999 йилдан 2005 йилгача бўлим томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги вилоят универсал илмий кутубхоналарининг йиллик статистик маълумотларини таҳлил қилиб, “Вилоят кутубхоналари ишининг обзори” мавзuida қўлланмани тайёрлаб келган эди. 2006 йилдан 2008 йилгача эса республика ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий маълумотлари йиғилди ва таҳлил қилинди, лекин қўлланма ҳолига келтирилиб чоп этилмади. 2010 йилдан бошлаб қўлланмани олдингиларга нисбатан имкон даражасида кўпроқ маълумотлар тўплаб, унга жадваллар ҳам илова қилинди. Жадваллар маълумотларини (Республика ахборот-кутубхона маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси тизимидаги кутубхоналардан ташқари) вилоятлар кесимида ҳам беришга ҳаракат қилдик. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши тизимидаги кутубхоналар ҳақида маълумотлар фақат жадвал орқали берилди. Чунки, бизнинг 2010 йил 18 февралдаги 2-сонли хатимизга тизимдаги кутубхоналарнинг умумий маълумотларини берди.

Маълумотларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмади. Келгусида қўлланмани ҳар йили тайёрлаш ва унда янада тўлиқроқ маълумотлар бериб бориш режалаштирилган.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Республика ахборот-кутубхона марказига, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказига, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларига, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда юқоридаги вазирликлар тасарруфидаги кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари раҳбарларига миннатдорчилик билдирамыз.

Қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни Тошкент шаҳри Хоразм кўчаси, 51-уйга ёки ark_2006@mail.ru электрон манзилига юборишингиз мумкин. Тел.: 239-44-40

Республика ахборот-кутубхона маркази (РАКМ)

Ахборот-кутубхона марказларининг 2009 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича таҳлилий маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сон Қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштириш ишларини янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080 сонли Фармонини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштириш ишларини янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 200-сонли Қарорини бажариш мақсадида ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 20 январдаги 35-сонли, 2009 йил 27 сентябрдаги 66-сонли, 2009 йил 30 апрелдаги 139-сонли, 2009 йил 31 июлдаги

234-сонли, 2009 йил 30 октябрдаги 350-сонли буйруқларини ва Агентлик ҳайъати кенгашининг 2009 йил 21 февралдаги 4-А - сонли, 2009 йил 25 апрелдаги 12-А-сонли, 2009 йил 25 июлдаги 25-А-сонли, 2009 йил 24 октябрдаги 25-А-сонли қарорларини бажариш мақсадида, ахборот-кутубхоначилик соҳасида Кадрлар сиёсати ва кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Дастурини, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Дастурини бажариш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари 2009 йилда қуйидаги ишларни амалга оширган.

Ахборот-кутубхона марказларининг (бундан кейин АКМ) умумий кутубхона фонди 20.12.09 йил ҳолатига кўра 4 911 648 нусха адабиёт (шу жумладан, даврий нашрлар ҳам)ни ташкил этган. Жорий йилда АКМ фондларига 19 095 нусха янги адабиётлар олинган (10-жадвал). АКМ фондларидан 14 963 нусха адабиётлар рўйхатдан чиқарилган (илмий-техник адабиётларнинг электрон кутубхонаси учун). АКМлар фондиди тўлдириш учун кетадиган маблағлар бир йилда ўрта ҳисобда уларнинг умумий бюджетининг атиги 8,1 % ини ташкил этади, яъни фондни китоблар билан тўлдириш умумий фондга нисбатан 0,02 % ни, журналлар билан тўлдириш 0,05% ни ташкил этади. Ваҳоланки, Ҳамдўстлик ва дунё стандартлари талабига кўра ушбу кўрсаткич кутубхонанинг умумий фондига нисбатан 3,8% ни ташкил этиши лозим. Чет эл адабиётларига келсак, ҳар бир АКМ фақатгина Россия Федерациясида чоп этиладиган бир нечта номдаги журналларга обуна бўлиш имконига эга, улар ҳам умумий ва оммабоп мавзудаги нашрлардир.

2009 йилда АКМ китобхонларининг сони 203 027 нафар ташкил этган. Йил мобайнида китобхонлар АКМларга 1 875 745 мартаба қатнаган. Китобхонларга жами 4 429 939 нусха адабиётлар берилган.

Ахборот ресурслардан (шу жумладан, электрон каталоглар ва тўла матнли ресурслардан) фойдаланиш мақсадида АКМларда китобхонлар учун локал тармоқ, Интернет ва Ziyonet тармоқларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. 2009 йилда Интернет ва Ziyonet тармоқларидан 18 050 китобхон баҳраманд бўлиб, 58 042 та электрон ҳужжатлардан фойдаланган. АКМларнинг электрон ва компьютер залларида 194 китобхон ўрни локал тармоққа уланган.

Ziyonet ва Интернетдан олинган ресурслар асосида 1160 та электрон ҳужжат тизимлаштирилган ва ишлов берилган (умумий ҳажми 2, 963 Гб). АКМларнинг веб-саҳифалари ҳар ойда тўлдирилиб ва янгиланиб турилади. Китобхонлар учун АКМ оргтехникаси ва компьютер техникаларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд, яъни нусха олиш ва сканерлаш ишларини бажаришлари мумкин.

Кутубхона фаолиятини автоматлаштиришдаги бирламчи вазифа АКМларнинг электрон каталогини тузиш ва шакллантиришдир.

Кутубхона фондларини тўлақонли акс эттириш учун АКМлар электрон каталогларга янги олинган адабиётларни, ноёб ва камёб китобларни, ўлкашуносликка оид адабиётларни ҳамда кўп талаб қилинадиган адабиётларни биринчи навбатда киритадилар. 2009 йилнинг ўзида АКМларнинг электрон каталогларига 80973 та электрон ёзув киритилган бўлиб, жами киритилган ёзувларнинг сони 361 417 тага етган.

Янги ташкил этилаётган электрон кутубхонанинг электрон каталогига ноябрь – декабрь ойининг ўзида 1000 га яқин янги китобларнинг электрон ёзуви киритилган, 539 та китоб рақамлаштирилиб, тўла матнли маълумот базаси кўринишида шакллантирилган.

Шундай қилиб, Агентлик тизимидаги ахборот-кутубхона муассасалари электрон каталогда жами 361 955 та электрон ёзув жамланган.

Бундан ташқари, АКМ ходимлари томонидан электрон нашрлар коллекциялари яратилмоқда. Улар, асосан ҳуқуқий ва ўлкашуносликка оид адабиётлардан иборат. Масалан, “Сайлов – 2009”, “Инсон ҳуқуқлари”, “ШОС”, “Қадимий календарлар”, “Фуқаролар муҳофаази”, “Сиёсатшунослик, маънавият, маданият ва эстетика” ва “Демократик жамиятни куриш”, “Бухоро тарихи. Қадимдан бугунгача”, “Дунё кутубхоналари” ва бошқ.

АКМлар фондларини вилоят нашриётлари томонидан чоп этилаётган нашрларнинг электрон версиялари билан ҳам бойитмоқда. Улар орасида кўзи ожиз болалар учун эртақ ва рисоалар, вилоят газеталари, “Ўзбекистон Республикаси банкротлик тўғрисида”ги Қонунга тавсифлар, ҳуқуқий “Норма”, илмий “ЕВSCO”, қонунчилик актларидан иборат “LEXUS” маълумотлар базалари, таълимий муассасаларнинг электрон маъруза матнлари ва бошқалар мавжуд.

Ҳисобот йилида АКМларда 2175 та тадбир ўтказилган, шу жумладан, 322 марта янги адабиётлар кўргазмалари (кўргазмаларга қўйилган адабиётларнинг сони 11777 нусхани ташкил этган), 828 марта мавзули кўргазмалар (21996 нусхадаги нашрлардан иборат) ташкил этилган. Улар турли саналарга ва вилоятда ривожланаётган соҳаларга бағишланган. Китобхон анжуманлари, кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари, библиографик шарҳлар ва АКМ, АРМ ва кутубхоналар ходимларининг малакасини ошириш бўйича тадбирларда жами 77 798 киши қатнашган.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Россиянинг “Информнаука” компанияси ва “Наука” нашриёти билан биргаликда Республика ахборот-кутубхона марказида Россияда чоп этилган илмий ва илмий-техникавий адабиётларнинг ҳалқаро кўргазмаси ўтказилган. Ушбу кўргазмага 300 та илмий китоб ва 500 дан ортиқ илмий журналлар қўйилган. Кўргазмада намойиш этилган адабиётлар кўргазма тугагандан сўнг Илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонасига совға тариқасида қолдирилган. Кўргазма кунлари давра суҳбати ўтказилиб, унда турли китоб тарқатувчи агентликлар вакиллари ва ахборот-кутубхона марказлари вакиллари қатнашганлар.

2009 йилда ўтказилган йирик тадбирлар оммавий ахборот воситалари (марказий ва маҳаллий телевидение, радио, матбуот) орқали 381 марта ёритилган.

АКМларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги тадбирлар режалари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу режаларга биноан ҳисобот даврида 150 га яқин тадбирлар: китобхон анжуманлари, семинарлар, давра суҳбатлари, кўргазмалар ва маҳалла фаоллари йиғинлари ҳамда ҳуқуқий органлар вакиллари билан биргаликда мавзули кечалар ўтказилган. Тадбирларда жами 8 348 нафар китобхон ва аҳоли қатнашган. Йил мобайнида “Норма”, “Право”, “LEXUS” маълумотлар базаларидан фойдаланувчилар сони 6 564 нафар китобхонни ташкил этиб, улар томондан 87 та маълумотлар олинган.

Йил мобайнида “Фуқаролик жамияти институтлари: барқарор ривожланишни таъминлаш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш масалалари” ва “Ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш муаммолари” мавзуларида 2 марта китобхонлар анжумани ўтказилган.

Барча АКМларда ҳуқуқий марказлар ва бурчаклар фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг фондлари қоғоз ва электрон кўринишдаги турли тилдаги (ўзбек, рус, инглиз ва япон тили) ҳуқуқий адабиётлар билан бойимокда. Бухоро ва Фарғона АКМларида китобхонлар учун ҳуқуқий мавзуларда маълумот базалари яратилган (экология ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи, “Адвокат” базаси. Умумий ҳажми 1186 Мб ташкил этади). Бундан ташқари, 195,4 Мб ҳажмдаги “Шартнома ҳуқуқи”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Транспорт ҳуқуқи” ва 4,75 Мб ҳажмдаги “Кичик бизнес” номли тўлиқ матнли маълумотлар базалари яратилган. Шунингдек, Олий Мажлис сайлови тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ матнли электрон базаси яратилган (умумий ҳажми 1,13 Мб). Ёшлар ўртасида алкоғолизм, наркомания, ОИТС билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида “Ҳуқуқий ахборот кунлари” ва ҳуқуқий мавзули папкалар ташкил этилган. Улар мунтазам равишда тўлдириб борилмоқда.

АКМларнинг ҳуқуқий ахборот марказлари томонидан мавзули картотекалар юритилиб, йил мобайнида 5 та картотека 1 170 та ҳуқуқий манбалардан иборат карточкалар билан тўлдирилган.

Кадрлар сиёсати. Ахборот-кутубхоначилик йўналишида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш Дастурини бажариш мақсадида 2009 йилда бир қатор семинарлар ўтказилган. Жорий йилнинг бошида АКМлар ходимларининг малакасини ошириш мақсадида “Кутубхона межменти. Бошқарув сифати” мавзусида РАКМ қошида 14 та АКМ директорлари учун амалий семинар; жорий йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида 14 та АКМ директорлари муовинлари учун “Электрон ресурсларни шакллантириш ва ташкиллаштириш” мавзусидаги ҳудудий семинар ўтказилган. Ушбу семинарни Россиянинг Россия илмий-техника ахбороти институти (РИНИТИ)нинг етакчи мутахассиси олиб борган. Семинар доирасида Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази (ЁДТҚМ)нинг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “КаДаТа.2” дастурининг тақдими бўлиб ўтган.

Бухоро ва Самарқанд вилоятлари АКМ директорлари июнь ойида Қрим – 2009 16-чи Халқаро анжуманида ўз маърузалари билан қатнашганлар. Маърузаларда Ўзбекистонда бўлаётган кутубхоначилик соҳасидаги ислохотлар, ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)ни кутубхона фаолиятига жорий этиш ишлари, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар билан ҳамкорлик тўғрисида сўз юритилган.

Жорий йилнинг сентябрь ойида АКМларнинг 28 ходими Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази (ЁДТҚМ) қошидаги 10 кунлик курсларда “КаДаТа 2.0” дастурида ишлашни ўзлаштирганлар.

Ижро интизомини сифатли ва ўз вақтида бажариш ҳамда бухгалтерия ишларини тўғри олиб бориш мақсадида АКМ директорлари ва ҳисобчилари (28 киши) учун РАКМ қошида 2 кунлик семинар ташкил этилган. Ушбу семинарларни Ғазначилик ва ЎзР Молия вазирлигининг етакчи мутахассислари олиб борган.

Йил мобайнида АКМлар ҳудудий методик марказ сифатида вилоятдаги АКМ, АРМ ва кутубхоналар ходимлари малакасини ошириш мақсадида 603 турли тадбирлар (дарслар, ўқув курслари, семинарлар, амалий ва услубий ёрдам, консултациялар, мутахассислар куни, ёш кутубхоначи мактаблари, ахборот кунлари ва ҳоказолар) ўтказган. Ушбу тадбирларда жами 8 004 нафар кутубхоначи ходим малакасини оширган. АКМ, АРМ ва кутубхоналар учун 353 та методик, библиографик ва меъёрий ҳужжатлар тайёрланган ва тарқатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080-сонли Фармони ва 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят марказларида жойлашган ахборот-кутубхона марказлари негизда ЁДТҚМнинг ҳудудий тузилмаларини ташкил этиш тўғрисида Агентликнинг 2009 йил 12 январдаги 15-сонли буйруғи РАКМ ва АКМлар томонидан ижро учун қабул қилинган. Ушбу буйруқга биноан, ЁДТҚМнинг талабига биноан АКМлар томонидан саволномага жавоблар тайёрланган. ЁДТҚМнинг ҳамда АКМлар ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва вазифалари аниқланган ва белгиланган. АКМлар фаолиятида АКТларга амал қилиш, уларни такомиллаштириш ва мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида ЁДТҚМнинг тажрибаси ва имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш тавсия этилган. Ташкил этилаётган ЁДТҚМнинг ҳудудий тузилмалар фаолиятини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳамда тузилмаларни ташкил этиш ва ҳудудий АКМларда янги ахборот технологияларни ва янги дастурий таъминотларини жорий этиш бўйича 2009 – 2010 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси ва Низоми ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда Фарғона, Хоразм, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари АКМлари қошидаги ЁДТҚМнинг ҳудудий филиаллари ўз фаолиятини бошлаган.

“Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 августдаги ПҚ-952-сонли Қарори ҳамда Агентликнинг 2008 йил 5 сентябрдаги 259-сонли буйруғига биноан 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида РАКМнинг электрон кутубхонаси учун ажратилган бинонинг таъмири тугатилган. Электрон кутубхонада ишлаш ва Корея Республикасида амалиётни ўташ учун мутахассислар танлови ўтказилган. РАКМ томонидан Кореядан келтирилган мосламалар, жиҳозлар, транспорт воситаси ва материаллари (40 футли 6 та контейнер) божхонанинг тўла кўригидан ўтказилган ва олиб келинган.

Корея мутахассислари томонидан асбоб-ускуналар, жиҳозлар, дастурий таъминотларни ўрнатиш ва тест синовларидан ўтказиш ишлари амалга оширилган. Ўзбекистоннинг 4 та гуруҳ мутахассислари (13 киши) Корея Республикасида ўқув курсларини битириб қайтган. Ҳозирда олинган адабиётлар ва улар асосида электрон ресурслар шакллантириш ишлари кутубхона мутахассислари томонидан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2009 – 2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни меъёрий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун ижодкорлиги ишлари дастури бўйича РАКМ қошидаги ишчи гуруҳ қуйидагиларни бажарган:

“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги, Ўз архив агентлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда “Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги, ЎзАрхив агентлиги, Давлат мулкани бошқариш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Давлат патент идораси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентликлари билан келишилган. Ушбу икки қонун лойиҳалари бўйича июн ойида давра суҳбати ўтказилган. Агентлик томонидан ташкиллаштирилган тадбирда ушбу вазирлик ва идоралар ҳамда ташкилотлар вакиллари қатнашган. Давра суҳбати давомида икки қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинган ва тақлифлар берилган. Ушбу тақлифлар бўйича ишчи гуруҳ томонидан лойиҳалар қайта кўриб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда тақдим этилган. Вазирлар Маҳкамасининг экспертиза бўлими томонидан берилган тавсиялар бўйича қонун лойиҳалари қайта ишланган ҳамда 2009 йилнинг декабрь ойида такроран тақдим этилган. Кутубхоначилик иши бўйича 2 та миллий Давлат стандарти ишлаб чиқилган ва Ўзстандарт Агентлиги рўйхатидан ўтказилиб амал қилиш учун рухсат этилган.

2009 йил давомида ахборот-кутубхоначилик соҳасига тегишли “Kutubxona.Uz” журналининг 1, 2 ва 3-сонлари нашрдан чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 38-Ф-сонли фармойиши, 2009 йилнинг халқаро ва республика илмий ҳамда илмий-техник конференцияларини ўтказиш режасига ҳамда Агентликнинг 2009 йил 10 февралдаги 46-сонли буйруғига биноан РАКМ томонидан ушбу йилнинг сентябрь ойида АКТ Саммити доирасида ўтказиладиган “Ахборот-кутубхона ресурсларини яратишдаги омиллар ва воситалар” республика семинарини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси, ташкилий қўмита таркиби белгиланган ва ишлаб чиқилган. Вазирлик, идора ва ташкилотлар учун ахборот varaқаси, буклет, тақлиф хатлари тайёрланган ва жўнатилган. 2009 йилнинг 22 – 23 сентябрь кунлари ўтказилган 2 кунлик семинар давомида қатнашчилар томонидан қизиқарли маърузалар қилинган ва семинар якунлари бўйича якуний ҳужжат тайёрланган.

АКТ Саммити доирасида 24 – 25 сентябрда “Йилнинг энг яхши АКМ ва АРМ мутахассиси” кўрик-танловининг республика миқёсидаги якуний босқичи ўтказилган. Ғолиблар Агентлик томонидан қимматли совғалар билан тақдирланган.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш чоралари ва АКМларда маркетинг фаолиятини такомиллаштириш борасида 2009 йилда бир қатор ишлар амалга оширилган.

АКМларда Ахборот технологиялари бўлимлари, электрон ва компьютер залларининг очилиши билан китобхонларга кўрсатилаётган пуллик хизматнинг янги турлари анча кенгайган.

Хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш мақсадида АКМ мутахассислари китобхон қизиқишларини ўрганиш мақсадида мониторинг олиб бормоқдалар.

АКМларда пуллик хизмат турлари - ахборотлардан нусха олиш, сканерлаш, электрон ташувчиларга ёзиш, кечаси ўқиш учун адабиётларни бериш (тунги абонемент), принтердан чиқариш, телефон орқали буюртма олиш, олдиндан буюртма олиш каби хизматлар ривожланиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб АКМларда 15 дан ортиқ қўшимча хизмат турлари мавжуд. АКМлар 12 ой мобайнида пуллик хизматлардан 17 млн 391 минг сўм қўшимча маблағ ишлаган.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари ҳақида маълумот

Республика бўйича 2008 – 2009 ўқув йилида таълим тизимидаги кутубхоналар сони 10163 тани, шундан, ахборот-ресурс марказлари сони 217 тани ташкил этган бўлса, 2009 – 2010 ўқув йилида 1151 тани ташкил этган. Мактаб кутубхоналари сони 9502 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 1000 тага камайган, яъни 8642 тани ташкил этган. Мактабдан ташқари таълим муассасалари қошидаги кутубхоналар 2008 йилда ҳам 2009 йилда ҳам 101 тани, педагогика институтлари ахборот-ресурс марказлари 5 тани, меҳрибонлик уйлари кутубхоналари 27 тани, мактаб интернатлар кутубхоналари 2008, 2009 йилда ҳам 308 тани ташкил этган. 2009 йилда вазирликнинг 2009 йил 27 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ХТВ тизимидаги педагог

ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари кутубхоналарини ахборот-ресурс марказлари сифатида қайта ташкил этиш тўғрисида”ги 46-сонли буйруғига асосан 15 та МОИ кутубхоналари ахборот-ресурс марказларига айлантирилган (5 - жадвал).

2008 – 2009 ўқув йилида таълим тизимидаги кутубхоналарда 12964 нафар кутубхоначилар фаолият кўрсатган бўлиб, улардан 2665 нафари (20,5%) олий, 9431 нафари (72,2%) ўрта махсус ва 868 нафари (6,6%) ўрта маълумотлиларни, 2009 – 2010 ўқув йилида эса 13283 нафар кутубхоначилар фаолият кўрсатган бўлиб, улардан 1506 нафари (11,3%) олий, 5741 нафари (43,2%) ўрта махсус ва 4002 нафари (30,1%) ўрта маълумотлиларни ташкил этган.

2008 – 2009 ўқув йилида таълим тизимидаги кутубхоналарнинг китоб фонди 26 388 705 нусхани ташкил этган ва 6 587 416 нафар китобхонга хизмат кўрсатилган.

2009 – 2010 ўқув йилида эса таълим тизимидаги кутубхоналарнинг китоб фонди 23 008 635 нусхани ташкил этди ва ушбу кутубхоналар томонидан 6 029 719 нафар китобхонга хизмат кўрсатилган.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2008 йил 14 майдаги 5/4-сонли ҳайъат қарори билан “Ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг самарадорлиги ҳамда мактаб кутубхоналарининг малакали кадрлар билан таъминланиши тўғрисида”ги буйруғи тасдиқланган.

Вазирлик ташаббуси билан Республика таълим кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари томонидан болаларни китобхонликка ўргатиш, ижодий фаолиятга жалб этиш орқали ўсиб келаётган ёш авлодни билимли, маънавий юксак шахс этиб шакллантириш борасида маълум ишлар бажарилган. Жумладан, Республика микёсида бир неча йиллардан буён “Йилнинг энг яхши АРМ мутахассиси”, “Йил кутубхонаси”, “Китобсеварлар”, “Жаҳон халқ оғзаки ижоди билагонлари”, “Энг яхши китобхон”, “Дарсликка – узок умр” каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари ўртасида соғлом ракобат муҳитини вужудга келтиришда муҳим восита бўлмоқда.

2008 – 2009 ўқув йилида таълим тизимидаги кутубхоначи, АРМ ходимларининг 1916 нафари малака ошириш институтларида ўз малакаларини оширган.

Мамлакатимиздаги ва хорижий нашрлар 110 033 нусха (газета ва журналлар) учун 2 224 777 594 сўмлик обуна бўлинган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш” лойиҳасининг 2-босқичи тўғрисида”ги 513-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Осие ривожланиш банки ўртасида имзоланган 2093-УЗБ сонли кредит келишуви доирасида умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларни ахборотлаштириш, таълим жараёнини илмий-методик жиҳатдан қўллаб-қувватловчи марказларга айлантириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда 1000 та ахборот-ресурс маркази 2 803 099 долларлик техник жиҳозлар, 475,0 долларлик кутубхона мебеллари билан таъминланган. Йил охиригача 700 номдаги лотин алифбосидаги кўшимча адабиётлар билан таъминланиши режалаштирилган.

Ҳозирги вақтда мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказларини электрон дарслик ва қўлланмалар билан бойитиш устида ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009 – 2010 йилда 61 та электрон дарслик ишлаб чиқилган ва тажриба-синовдан ўтказилган. Турли мазмундаги электрон нашрлар 27 134 тани ташкил этмоқда.

2010 йилдан бошлаб Республика илмий педагогика кутубхонаси “НР” ташкилоти, ЁДТҚМ билан ҳамкорликда республикамизнинг Сирдарё вилоятида ва Тошкент шаҳридаги бир нечта мактабларда “КАДАТА” автоматлаштирилган кутубхоначилик дастурини синовдан ўтказмоқда. Синов натижалари муваффақиятли яқунланса, барча таълим тизимидаги АРМлар ана шу дастур билан таъминланиши режалаштирилган.

Республика Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш иш режасининг 2009 йил 1-чорагида белгиланган вазифалар ижроси бўйича 2009 йилнинг 26 – 28 март кунлари Республика илмий педагогика кутубхонаси базасида кенгаш аъзоларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтган. Унда мактаблар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, “Меҳрибонлик уйи” кутубхоналари фаолияти ҳақида, Тошкент шаҳар ахборот-ресурс марказларида китобхонларга хизмат

кўрсатишнинг янги сифат даражасини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлар ҳақидаги маълумотлар муҳокама қилинган. Кенгаш иш кунида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактаб кутубхонаси фаолияти билан танишув ҳамда Тошкент Давлат маданият институтининг кафедра мудири У. Каримов иштирокида мастер-класс машғулоти, “Таълим муассасаси ахборот-ресурс марказлари ишини ташкил этишнинг асосий тамойиллари” мавзусида республика семинари ҳам ўтказилган.

Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари китоб фондиди тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мактаб жамоаси, битирувчилар, ота-оналар, чет эл жамғармалари, давлат ва нодавлат ташкилотларини жалб қилган ҳолда бир неча йилдан бери “Мактаб – кутубхона – оила – жамоат ташкилотлари” хайрия тадбири ўтказиб келинмоқда.

2008 йилда ўтказилган ушбу тадбирда 814 510 минг сўмлик адабиётлар кутубхоналар китоб фондига кирим қилинган бўлса, 2009 йилда ўтказилган ушбу тадбирда мактаб жамоаси, маҳалла, ҳомий ташкилотларнинг кўмаги ёрдамида мактаб кутубхоналарига, АРМларга 994 760 минг сўмлик бадиий адабиётлар совға қилинган.

2009 йилнинг апрель ойида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида “Замонавий кутубхоначи, профессионализм ва шахс” мавзусида ахборот-ресурс марказлари ходимлари учун ҳудудий семинар ўтказилган.

2009 йилнинг май ойида Бухоро вилоятида “Кутубхонани бойитиш ва китобхонларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш” мавзусида Республика семинари ўтказилган.

2009 йилнинг сентябрь ойида Республика илмий педагогика кутубхонаси базасида ХТВнинг 2009 йил 27 февралдаги 46-сонли буйруғига асосан “Йилнинг энг яхши таълим муассасаси кутубхоначиси” кўрик-танлови ўтказилган.

2009 йилнинг 23 – 26 сентябрь кунлари республикамизда ўтказилаётган “Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги” доирасида “Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази ва ахборот-кутубхона маркази мутахассиси” кўрик-танлови ўтказилган.

“Ўқитувчи ва мураббийлар куни” арафасида республикамиздаги 8 нафар ахборот-ресурс маркази ходими намунали фаолияти учун Халқ таълими вазирлигининг “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

2009 йилнинг октябрь ойида Хоразм вилоятида ахборот-ресурс марказлари ходимлари учун “Замонавий ахборот-ресурс марказини ташкил қилишга қўйилган талаблар” мавзусида семинар бўлиб ўтган.

Тизимдаги кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар

1. Ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва кутубхонада иш стажи уч йилдан ошган шахсларнинг олий маълумот олишларини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги олий таълим муассасаларига қабул қилиш Давлат комиссиясига махсус сиртқи бўлим очиш ҳақида таклиф киритиш.

2. Ахборот-ресурс марказларини автоматлаштирилган дастур билан таъминлаш, Интернет тармоғига улаш, электрон нашрлар билан таъминлаш учун давлат бюджетидан етарли маблағ ажратиш.

3. Мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари китоб фондиди шакллантиришнинг, уларни замонавий мафкуравий тавсифдаги адабиётлар, жумладан, маълумотнома, қомусий адабиётлар, бадиий, илмий-оммабоп, педагогик ва методик нашрлар, шунингдек, юқори самарали электрон нашрлар ва ресурслар билан таъминланишининг давлат бюджети ҳисобидан эришилишига эътибор қаратиш.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналар ва
АРМларнинг 2009 – 2010 йиллардаги иш фаолиятига доир рақамли солиштирма
кўрсаткичлари**

№	Кутубхоналар ва АРМлар номи	Умумий фонд		Кутубхона учун даврий нашрлар обунаси			
		2009	2010	2009 йил		2010 йил	
		йил	йил	сон	маблағ (минг сўм)	сон	маблағ (минг сўм)
1.	Республика илмий педагогика кутубхонаси	338.7	341.9	189	16248.0	154	20406.3
2.	Республика болалар кутубхонаси	222.8	219.2	45	1677.9	46	1686.7
3.	Пед. инт-лари АРМлари	972.6	1331.3	557	40 497.3	1287	58688.9
4.	ВХТМОМИ АРМлари	152.2	149.5	499	15642.5	843	28951.3
5.	Вилоят ХТБ қошидаги АРМлар	1097.80	1061.3	577	154815.8	596	21098.0
6.	Туман ХТБ қошидаги АРМлар	3426.7	136.5	2125	42090.5	2092	84925.4
7.	Мактаб АРМлари	—	1783.5	—	—	10978	665938.1
8.	Мактаб кутубхоналари	19403.4	18381.6	186765	444067.9	78819	1033247.0
9.	Мактабдан ташқари таълим муассасалари	150.7	150.9	568	19880.0	9430	27111.0
10.	Махсус мактаб-интернатлар	236.0	231.9	2398	84169.8	1432	50140.6
11.	Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар	290.9	315.1	3217	175648.2	3943	215643.4
12.	Меҳрибонлик уйи	96.5	103.3	480	6 937.9	413	16940.4
	Жами:	26 388.7	23008.6	197420	1001676.2	110 033	2224777.5

Моддий техник таъминот

№	Кутубхоналар ва АРМлар номи	Компьютерлар		Интернетга улааниш		Нусха кўпайтириш аппарати		Техник жихозларнинг бошқа воситалари					
								Аудио		Видео		Телевизор	
		2008	2009	2008	2009	2008	2009	2008	2009	2008	2009	2008	2009
1	Республика илмий педагогика кутубхонаси	19	19	1	1	5	5	—	—	1	1	1	1
2	Республика болалар кутубхонаси	14	16	1		1	1	1	1	1	1	3	3
3.	Пед. инт-лари АРМлари	123	140	5	49	12	11	—	2	1	2	3	3
4.	ВХТМОМИ АРМлари	33	35	8	15	5	5	3	4	6	7	6	7
5	Вилоят ХТБ қошидаги АРМ	128	143	11	12	21	24	8	10	11	7	14	14
6	Туман ХТБ қошидаги АРМ	283	457	42	42	56	149	14	91	110	42	135	133
7	Мактаб АРМ	—	1853	—	920		76	—	919	—	919	—	476
8	Мактаб кутубхоналари	542	538	1	—	69	149	81	84	266	39	380	92
9	Мактабдан ташқари таълим муассасалари	11	10	3	1	5	3	3	9	2	5	4	9
10	Махсус мактаб-интернатлар	17	16	1	1	1	2	7	4	6	6	7	5
11	Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар	17	30	2	5		8	8	9	6	9	15	17
12	Меҳрибонлик уйи	18	27	—	2	1	6	4	4	4	9	6	10
	Жами:	1205	3284	75	1048	179	439	129	1137	414	1047	574	770

Ходимлар тўғрисида маълумотлар

№	Кутубхоналар ва АРМлар номи	Жами	Малака ошириш
1.	Республика илмий педагогика кутубхонаси	36	3
2.	Республика болалар кутубхонаси	42	—
3.	Пед. инт-лари ахборот-ресурс марказлари	220	9
4.	ВХТМОМИ ахборот-ресурс марказлари	31	17

5.	Вилоят ХТБ қошидаги ахборот-ресурс марказлари	414	8
6.	Туман ХТБ қошидаги ахборот-ресурс марказлари	1616	92
7.	Мактаб ахборот-ресурс марказлари	1071	1071
8.	Мактаб кутубхоналари	9341	678
9.	Мактабдан ташқари таълим муассасалари	139	13
10.	Махсус мактаб- интернатлар	105	2
11.	Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар	242	17
12.	Меҳрибонлик уйи	26	6
	Жами:	13283	1916

4-жадвал

АРМ китоб фондининг электрон таркиби

№	Кутубхоналар ва АРМлар номи	Электрон китоблар ва дарсликлар сони
1.	Республика илмий педагогика кутубхонаси	772
2.	Республика болалар кутубхонаси	564
3.	Пед. инт-лар ахборот - ресурс марказлари	13 808
4.	ВХТМОМИ ахборот-ресурс марказлари	582
5.	Вилоят ХТБ қошидаги ахборот-ресурс марказлари	6086
6.	Туман ХТБ қошидаги ахборот-ресурс марказлари	2028
7.	Мактаб ахборот-ресурс марказлари	3294
	ЖАМИ:	27134

Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ахборот-ресурс марказлари фаолияти тўғрисида маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 2006 йилда 914 та ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган. Ўша вақтда ахборот-ресурс марказлари китоб фонди жами 1 520 892 тани ташкил этиб, моддий-техника таъминоти 831 та компьютер, 251 та сканер, 336 та нусха кўчириш аппарати ва 421 та бошқа техника воситалари билан таъминланган эди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги “Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 295-сонли буйруғига асосан, ҳозирги кунда академик лицей ва касб-хунар коллежларида 1460 та ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ахборот-ресурс марказларининг умумий фонди 42 254 063 нусхани (жумладан, ўзбек тилида 29 146 637 нусха, рус тилида 12 847 895 нусха, бошқа тилларда 539 223 нусха) ташкил этиб, 5 319 138 нафар фойдаланувчи (жумладан, 3 275 965 аҳолига ва 1 998 041 ўқувчига) хизмат кўрсатилмоқда (6-жадвал). Ахборот-ресурс марказлари бугунги кунда 2601 та компьютер, 605 та сканер ва 341 та нусха кўчириш аппаратлари ҳамда 746 та бошқа техника воситалари билан жиҳозланган.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ахборот-ресурс марказлари таълим муассасаларининг ўқувчилар контингентидан келиб чиққан ҳолда барча фанлар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг босма нашри билан таъминланган. Ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2001 – 2009 йилларда нашрдан чиққан 307 номдаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, таркатма материалларнинг электрон шакли барча ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ахборот тизимлари ва ахборот-ресурс марказларидаги компьютерларнинг маълумотлар базасига жойлаштирилган (ахборот-ресурс марказлари фондининг бойиши, моддий-техника таъминоти ва янги технологияларнинг жорий этилиши 6 –жадвалда кўрсатилган).

Таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич жиҳозланиб борилмоқда.

Барча таълим муассасаларининг йўналиш ва мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда бюджет ҳамда бюджетдан ташқари топилган маблағлар ҳисобидан мамалакатимиздаги ва хорижий нашрларга обуна қилиш ташкил этилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги 1460 та ахборот-ресурс марказларида жами 11052 нафар ходим (шундан, 3383 нафари олий маълумотли, 7548 нафари ўрта махсус маълумотли) фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 1365 нафари махсус маълумотли мутахассис кадрлардир.

2009 йил малака ошириш режасига кўра, Тошкент ахборот-технологиялари университети ва Тошкент Давлат маданият институтида ташкил этилган курсларда 1198 нафар (жумладан, 408 нафар ахборот-ресурс марказларининг раҳбарлари ва 790 нафар ходимлари) ахборот-ресурс марказларининг ходими малакасини оширган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 декабрдаги 08-4-89-сонли мажлис баёнидаги топшириғига кўра академик лицей ва касб-хунар коллежлари ахборот-ресурс марказларининг Интернет ҳамда Ziyonet ахборот тармоғига “NET City” провайдери орқали уланиши белгилаб берилган. Мазкур топшириққа асосан “NET City” провайдери орқали 683 та ахборот-ресурс марказлари Ziyonet ахборот тармоғига уланган. Ахборот-ресурс марказларида электрон каталоглар ташкил этилган. Электрон ресурсларидан фойдаланишнинг корпоратив тизимлари ишга туширилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги 71 та касб-хунар коллежида ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналиши бўйича 3625 нафар ўқувчи таълим олади. Мазкур йўналиш бўйича 618 нафар ўқувчи 2009 йилда таълим муассасаларни тугатиб, диплом олган.

Таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказлари янада самарали фаолият юритиш мақсадида 5 319 138 нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Таълим муассасаларига яқин жойлашган аҳолининг ахборот-ресурс марказларидан фойдаланиши учун тўлиқ шарт-шароитлар яратилган. Йиллик китоб берилиши 132 654 352 тани ташкил этган.

2009 йил давомида 133 номдаги 1 109 384 нусха ўқув адабиётлари нашрдан чиқарилиб, таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларига етказилган. Шунингдек, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ташаббуси билан 2001 йилдан бошлаб нашр этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг электрон вариантлари нашриётлардан СД дискларга кўчириб олинмоқда. Бугунги кунда дарслик ва ўқув қўлланмалардан 307 (20 номдаги умумтаълим ва 287 мутахассислик) номдаги адабиётларнинг электрон вариантлари СД дискларга кўчириб олинган ва барча таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларига етказилган.

Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда ўқувчилар ва аҳолига хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтариш, энг яхши ахборот-ресурс марказларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2009 йил 7 апрелда “Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги 89-сонли буйруғи ишлаб чиқилган. Мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом асосида таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказлари ўртасида “Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази” кўрик-танловининг ҳудудий ҳамда Республика босқичини ўтказиш белгиланган. “Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази” кўрик-танловининг Республика босқичи 2009 йил 29 –30 май кунлари Қарши педагогика коллежида ўтказилган. Кўрик-танловда Тошкент саноат коллежи, Қўқон педагогика коллежи, Чуст педагогика коллежи, Самарқанд молия ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказлари тақдимотлари юқори даражада баҳоланган. Мазкур кўрик-танлов оммавий-ахборот воситалари орқали ёритиб борилган.

Таълим муассасалардаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда китобхон-ўқувчилар ва аҳолига хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтариш, таълим муассасалари ўқувчиларини китобни севишга, уни асрашга ўргатиш, ўқувчи- ёшларда китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ҳамда ўқувчилар орасидан йил китобхонларини аниқлаш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2009 йил 29 апрелдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида “Йил китобхони” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги 113-сонли буйруғи чиқарилган. Мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом асосида таълим муассасалари кесимида ҳудуд босқичи ўтказилган ва ғолиблар аниқланган. “Йил китобхони” кўрик-танловининг Республика босқичи 2009 йил 10 июнь куни Гулистон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежида ўтказилган. Кўрик-танловнинг ўтказилиш жараёни вилоят ва республика оммавий-ахборот воситалари орқали ёритиб борилган.

Ахборот-ресурс марказларида китоб савдоси ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. “Шарқ зиёкори” ОАЖ, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ, Ғофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, вилоятлардаги “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхоналари, жойлардаги “Китоб савдоси” масъулияти чекланган жамиятлари, Ёзувчилар уюшмалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари, оммавий ахборот ташкилотлари билан ўзаро шартномалар ва келишувлар асосида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бу ҳамкорлик алоқалари орқали ахборот-ресурс марказлари китоб фондиди бойитишга, аҳоли ва ўқувчилар билан оммавий-бадий тадбирлар ўтказиш ҳамда ёзувчи, шоирлар билан ижодий учрашувлар ташкил этишда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ахборот-ресурс марказлари ҳақида маълумот

1. Ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарнинг бугунги аҳоли. Президент қарорларидан кейинги ўзгаришлар, фонднинг бойиши, моддий-техник таъминот, янги

технологияларнинг жорий этилиши

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларидан бошлаб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари қошидаги ахборот-ресурс марказлари (АРМ)га эътибор кучайди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сонли Қарори соҳа ходимлари олдига янгидан-янги талабларни қўйди. Мазкур қарорга мувофиқ, бугунги авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, аҳоли кенг қатламларининг ахборот олиш ва эгаллаш имкониятларини кўпайтириш мақсадида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 23 июндаги 135-1-сонли буйруғи ижроси юзасидан олий таълим муассасаларида бир қанча ишлар амалга оширилган.

АРМлар сони 72 та бўлиб, уларнинг умумий фонди 28 417 300 тага етказилган (жумладан, ўзбек тилида – 11 448 500 та).

Китобхонлар сони 559 600 нафарга етказилган. Олинган янги адабиётлар сони 303 500 та бўлиб, жумладан, ўзбек тилидаги адабиётлар сони 144 900 тани ва улардан бадиий адабиётлар сони 46 800 тани ташкил этади (10 - жадвал).

2. Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарни мамлакатимизда босиладиган ва хорижий нашрларга обуна қилиш учун бюджет, шу жумладан, валюта маблағлари билан таъминланиш аҳволи

Ахборот-ресурс марказлари фаолияти самарасини таъминловчи омил шахсда ахборот олиш маданиятини шакллантиришдир. Ҳозирги кунда замонавий техника воситалари ёрдамида жаҳон ахборот оқимини қисқа муддатда кузатиш ҳамда юқори самарада ахборот олишнинг усуллари кенгаймоқда.

АРМларда 2009 – 2010 йилларда мамлакатимиздаги вақтли матбуот нашрларига 367 819 636 сўмлик маблағ ажратилган бўлиб, мамлакатимиз ҳамда МДҲ газета ва журналларига обуна бўлинган.

3. Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш кўрсаткичлари

Фан-техника тараққий этган замонамизда ахборот-ресурс марказларининг миссияси ўзгаради. Замон АРМнинг профессионал фаолиятидаги янги қоидаларни талаб этмоқда. Энди тадбирлар миқдори, китобхонлар ва берилган китоблар сони каби кўрсаткичларгина АРМ фаолиятига баҳо беришда белгилловчи омил бўла олмайди. Мутахассисдан аудиовизуал ва электрон ҳужжатлар, замонавий техника билан ишлаш малакаси ҳам талаб этилмоқда. АРМлар фойдаланувчилар учун ахборот кутубхона билан таъминланишини белгилаб берувчи таркибий марказга, кутубхона хизматини кўрсатишда илғор ахборот технологияларидан жадал фойдаланиш асосида шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантирувчи базага айланиши керак.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари бўш ўринлари танлов асосида малакали ходимлар билан тўлдирилган. Ходимларни маълумотиغا, тажрибаси, фикрлаши, муомаласи, савиясига қараб лавозимларга тайинлаш амалга оширилган. Танланган кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш ташкил этилган, барча кадрлар компьютер саводхонлигига ўқитилган, Интернет тармоқларида ишлаш ўргатилган.

Ахборот-ресурс марказларида жами 1187 та ходим ишламоқда. Улардан олий маълумотга эга бўлганлар – 826 нафар, шу жумладан, олий кутубхоначилик маълумотиغا эга ходимлар – 370 нафарни, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар сони – 552 нафарни, улардан ўрта махсус кутубхоначилик маълумотиغا эга бўлганлар 511 нафарни ташкил этади. Ҳозирги вақтда ахборот-ресурс марказлари ходимларидан компьютерни мукамал билиш, Интернет тармоғидан унумли фойдаланиб, энг ишончли маълумотларни АРМ фонди ва АРМ махсус маълумотлар сайтига мунтазам киритиб бориш, улар ҳақида ахборот тарқатиш, фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш талаб этилади.

4. Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг Интернет ва Ziyonet ахборот тармоғига уланиш ҳолати

Ҳозирги вақтда инсониятнинг кундан-кунга ўсиб бораётган ахборотга чанқоқлигини қондиришнинг ягона усули оддий кириш имкониятига эга электрон кутубхоналарни яратишдир.

Улар фойдаланувчиларга содда усулда тузилган ахборотни қидириш ва танлаш имконини беради. Ана шу заруратдан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари қошидаги АРМларда компьютерлар хизматидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари қошидаги ахборот-ресурс марказларида фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва ўз фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларига таянган ҳолда илдам замонавийлаштириш билан юксак маданий кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини шакллантириш борасида кенг фойдаланувчилар оммасига Интернет ҳалқаро тармоғидан республикамизда жорий этилган Ziyonet таълим порталидан изчил фойдаланишлари учун қулай имкониятлар яратилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари изланувчилари ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ички Интернет тармоғи тизими турли ахборот ресурсларидан тез ва сифатли фойдаланиш имконини бермоқда. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун АРМлар замонавий талаблар асосида жиҳозланган. АРМларда Интернет тармоғига уланган компьютерлардан иборат махсус заллар мавжуд.

5. Электрон дарсликлар ва электрон кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари яратиш ишларининг ҳолати

Бугунги кунда АРМлар босма ҳужжатларни сақлайдиган пассив омборлардан фаол ишлайдиган, автоматлаштирилган ахборот марказларига, электрон почта, Интернет орқали ахборот узатувчи ва қабул қилувчи марказларга айланиб бормоқда. Бундай АРМларда таълим жараёни учун ахборот қидиришда нафақат жорий АРМлар базасидан, балки бошқа АРМлар фондидаги электрон ресурсларидан ҳам фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Замонавий ахборот технологиялари ривожланиб бораётган бир шароитда ахборот ресурслари нафақат босма шаклда нашр қилиниб, балки электрон кўринишда ҳам яратилиб, АРМлар фондини тўлдирмоқда. Электрон ўқув адабиётлари-замонавий ахборот технологиялар асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш имкониятларига эга бўлган манбадир. Электрон дарслик ўқув жараёнида ўқув материалларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратадиган ўқув воситаси сифатида алоҳида ўрин тутаяди. Маълумки, электрон ўқув адабиётлари билим олувчининг тасаввурини кенгайтиришга, олган билимларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, асосан чуқурлаштириб ўтиладиган фанлар бўйича яратилади. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган электрон ўқув адабиётлари, Республикамиздаги бошқа ўқув юрти профессор-ўқитувчиларнинг альтернатив электрон ўқув адабиётлари мавжуд бўлиб, улардан фойдаланувчилар унумли фойдаланиб келмоқдалар. Олий таълим муассасаларида “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси”да кўрсатилган ўқув адабиётларнинг бир қанча турлари (дарслик, ўқув қўлланма, электрон дарслик кабилар)ни яратиш устида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилган. Яратилган ўқув адабиётлар АРМларга топширилган ва уларнинг электрон версиялари дискларга ёзилиб, АРМлар фондига киритилган, улардан фойдаланувчилар фойдаланиши учун имкониятлар яратилган.

6. Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарда электрон каталогларни ташкил этиш тизимини ривожлантириш, электрон ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар

Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар қатори ахборотнинг электрон тизимига ўтмоқда. Уларни амалиётда жорий этиш учун давлатимиз томонидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бундай ишлардан бири кутубхоналарни замонавий ахборот технологияси ва янги дастурий материаллар билан таъминлашдир.

Жамиятнинг ахборотлашувида ахборотлар манбаи ҳисобланадиган ахборот-кутубхона муассасаларига ахборот технологияларини жорий этиш ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб масалалардан бирига айланди. Кутубхона ресурсларини автоматлаштирилган ҳолда бошқариш фондларни фойдаланувчиларга тақдим қилишда, китобхонларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин эгаллайди. Шуларни инобатга олган ҳолда Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб қувватлаш марказида кутубхоналарнинг ўзбек ва рус тилларидаги электрон ахборот дастури яратилган.

КаДаТа юртимизда яратилиб келинаётган илк кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий таъминотлардан бири бўлиб, у ихтиёрий кутубхонага татбиқ қилиниши мумкин. Мазкур тизим халқаро талабларга жавоб беради, яъни библиографик ёзувларни алмаштиришга мўлжалланган MARC форматлар ва халқаро стандартларга мувофиқ келади.

У нашрларнинг барча хиллари ва кўринишларини тасвирлай олади. Дастурий таъминот каталогларидан адабиётларни қидириш ва фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Ахборот-кутубхона муассасаларига тушаётган ҳужжатларга ишлов бериш, фондни ҳисобга олиш ва таҳрир қилиш, китобхоналарга адабиётларни бериш ва олиш жараёнлари ҳам автоматлаштирилган.

Масалан, Гулистон давлат университети ахборот-ресурс марказида КаДаТа дастури асосида иш олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда китоб фонди электрон каталогга киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги кўзи ожизлар кутубхоналари бўйича маълумот

1. *Кутубхоналарнинг бугунги ҳолати. Президент қароридан кейинги ўзгаришлар, фонднинг бойиши, моддий-техник таъминот, янги технологияларнинг жорий этилиши солиштирма жадвали (7-жадвалга қаранг).*

Номи	Йиллар		Фарқи
	2006	2009	
Жами кутубхоналар	71	79	+8
Жами китобхоналар сони	42969	5140	+8440
Шу жумладан, 15 ёшгача бўлган	6622	6778	+156
Жами берилган нашрлар	829983	9490	+11906
Кутубхонага қатнов	322052	457277	+135225
Ўртача китоб ўқилиши	19	18	-1
Китобхоналарнинг ўртача қатнови	7	9	+2
Китоб фондининг айланиши	1.8	1.8	0
Кўчма кутубхоналар	38	57	+19
Йил якунида жами китоб	487987	519055	+31068
Янги олинган китоблар	6000	11691	+5691
Кутубхоналарнинг компьютер, ксерокс, факс билан таъминланиши	31	42	+11
Кутубхоналарнинг Интернет тармоғига уланиши	–	7	+7

2. *Кутубхоналарни мамлакатимизда чоп этиладиган ва хорижий нашрларга обуна қилиши учун бюджет маблағлари билан таъминланиш аҳволи*

2009 йилда вақтли матбуот нашрлари учун 20 720 726 сўм сарфланган. Бу 2008 йилга нисбатан 6 188 745 сўм кўп.

3. *Кутубхоналар соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш кўрсаткичлари*

Қорақалпоғистон Республикаси кўзи ожизлар кутубхонаси негизида “Қишлоқ жойларида яшовчи кўзи ожиз аҳолига кутубхона хизматини кўрсатишни такомиллаштириш” мавзуида республика ва вилоят кўзи ожизлар кутубхоналари директорлари ва мутахассислари иштирокида Республика семинари ўтказилган. Шунингдек, вилоятлар кўзи ожизлар кутубхоналарида кутубхоначи мутахассислар малакасини ошириш бўйича семинарлар ўтказилган.

4. *Кутубхоналарнинг Интернет ва Ziyonet ахборот тармоғига уланиш ҳолати*

2008 йилда Интернет тармоғидан 5 та кутубхона фойдаланган. 2009 йилда бу кўрсаткич 7 тага етган.

5. *Электрон дарсликлар ва электрон кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари яратиш ишларининг ҳолати*

Кутубхона фондлари қисман электрон дисклардаги китоблар билан тўлдирилган.

6. *Кутубхоналарда электрон каталогларини ташкил этиш тизимини ривожлантириш, электрон ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар*

Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонасида электрон каталогни жорий этиш 2010 йилга режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонасининг фаолияти ҳақида қисқача ҳисобот

1. Кейинги 3 йил ичидаги миқдорий ўзгаришлар

Йил	Фонд	Китобхонлар сони	Китоб берилиши
2007	3681805	26403	1432852
2008	3680283	27556	1434111
2009	3676491	32622	1495862

2. Асосий кутубхонада мамлакатимиз ва Россия Федерациясида чиқариладиган вақтли матбуот нашрларига обуна бўлиш учун бюджет маблағлари ажратилади.

3. Кутубхоначилик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жуда зарур. Ҳозирги кунда кутубхона иш жараёнларига янги технологияларни татбиқ этиш кенг жорий этилаётган вақтда Асосий кутубхонада учраётган энг катта муаммо бу кадрлар кўнимсизлигидир. Бунга сабаб – кутубхоначилар ойлик маошларининг камлиги.

4. Асосий кутубхона 2009 йилгача Интернет тармоғидан лойиҳа асосида бепул фойдаланиб келмоқда эди. 2009 йилдан бошлаб УЗИНФОКОМ билан шартнома тузилиб, кутубхона пуллик хизмат туридан фойдаланмоқда. Бугунги кунда Интернетнинг тезлиги – 128 кб/сек.

5. Бугунги кунда Асосий кутубхонанинг электрон каталоги 152 000 библиографик ёзувдан иборат. Кутубхонанинг ретро фондидан ноёб адабиётлар фонди ва диссертациялар фондининг электрон каталоги яратилган, диссертация фондининг тўлиқ матнли электрон кўринишини яратиш ишлари бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт кутубхоналари тўғрисида маълумот

Кейинги вақтларда бутун дунёда кутубхона иши жамиятнинг ўзгариб бораётган талаблари ва янги электрон технологияларнинг татбиқ этилиши туфайли замонавийлашмоқда.

Замонавий кутубхоналар миллий инфратузилманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Нафақат анъанавий ташувчиларда (китоблар, журналлар) сақланадиган ғоялар, фикрлар, балки янги компьютер технологияларидан фойдаланишга асосланган автоматлаштирилган ахборот комплекслари, хусусий маълумотлар базалари ва автоматлаштириш воситаларини талаб этувчи бир қатор хизматлар уларнинг ресурслари ҳисобланади.

Кутубхонанинг фонди ва маълумот-қидирув аппарати имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ахборот хизматларини кўрсатиш зарурати билан бир қаторда масофавий ахборотдан фойдаланиш зарурати юзага келади. Шу сабабли жамиятнинг кутубхоначилик касбига бўлган қуйидаги янги талаблари келиб чиқди: янги электрон технологияларни билиш ва улардан фойдаланиш, корпоратив ҳамкорлик ва турли кутубхоналар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, турли ахборот тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш, кутубхона фаолиятида хизмат кўрсатиш ролини кучайтириш.

Ахборот технологияларини мунтазам татбиқ этиш орқали замонавий кутубхоналарнинг имкониятларидан имкон қадар самарали фойдаланишга эришилади.

Ахборот-ресурс маркази ва ахборотдан очиқ фойдаланиш мумкин бўлган асосий манба сифатида китобхонларнинг ҳар куни кўрсатилаётган хизматлар ҳажми, таркиби ва сифатига

бўлган талаблари ортиб бормоқда.

Бу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорида ўз аксини топган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш Ассамблеяси сессиясида (2002 йил май) Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Гру Харлем Брундтланд ўз нутқида куйидагиларни таъкидлаганди: “Агар инсонлар соғлом бўлмасалар, иқтисодий ўсиш ва барқарорлик бўлмайди, инсон кадр-қиммати эъзозланмайди ёки инсон ҳуқуқларига риоя этилмайди, тинчлик бўлмайди”.

Юқори савияли тиббий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг билимларини такомиллаштириш зарурлиги туфайли уларнинг малакасини ошириш, билимларини чуқурлаштириш, дунёқарашини кенгайтириш ва мутахассисларнинг илмий салоҳиятини оширишда тиббиёт кутубхоналари муҳим роль ўйнаши керак. Бунинг учун тиббиёт кутубхоналари бой китоб фондларига эга бўлиши ва улар тиббиёт ходимларини жаҳонда тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлардан тезлик билан хабардор этиши, замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган бўлиши, улар ёрдамида бошқа хорижий тиббиёт кутубхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши ва тиббиёт ходимларини хабардор этиш учун бир-бирларининг ресурсларидан (китоб фондлари ва электрон базалардан) биргаликда фойдаланиши керак.

Ўзбекистон Республикасида 200 дан ортиқ тиббиёт кутубхоналари фаолият юритади. Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси (ДИТК) ва унинг Тошкент шаҳрида жойлашган илмий-тадқиқот муассасаларидаги 12 та кутубхона филиаллари (8-жадвал), ДИТКнинг Марказлаштирилган кутубхона тизимига киритилмаган илмий-тадқиқот муассасаларидаги 4 та кутубхона, жумладан, Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази, Кардиология илмий маркази, ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вакциналар ва зардоб институти, Самарқанд тиббий паразитология институти; 12 та вилоят илмий-тиббиёт кутубхоналари, Қорақалпоғистон Республикаси Республика илмий тиббиёт кутубхонаси, 8 та тиббиёт институтлари ва Врачлар малакасини ошириш институти кутубхоналари, тиббиёт коллежлари АРМлари, марказий туман касалхонаси кутубхоналари ва Ўзбекистон даволаш профилактика муассасаси (ДПМ) кутубхоналари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон тиббиёт кутубхоналари 5 млн. нусхадан ортиқ фондга эга, уларда ҳар йили тахминан 250 минг тиббиёт мутахассислари, жумладан, илмий ходимлар, амалий врачлар, ўрта тиббиёт ходимлари, Врачлар малакасини ошириш институти тингловчилари, клиник ординаторлар, тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежлар талабаларига хизмат кўрсатади. Уларга 3 миллиондан ортиқ тиббий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар берилади.

Давлат томонидан тасдиқланган бепул, кутубхона-библиографик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи Республика кутубхонаси мақомига эга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси (ДИТК) тиббиёт кутубхоналари тизимини бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ДИТК Ўзбекистон тиббиёт кутубхоналари тармоғи учун илмий-ахборот, кутубхона ва тиббиёт маркази ҳисобланади.

ДИТК Интернетда ўзининг Web-саҳифасига эга: www.medlib.uzsci.net

Куйидаги 9 тузилмавий бўлинма ДИТК марказлаштирилган тизими таркибига киради: маъмурий-бошқарув аппарати, фондларни тўлдириш ва уларга илмий ишлов бериш, илмий библиография, китобхоналарга хизмат кўрсатиш, фондларни сақлаш, янги ахборот технологиялари ва хорижий адабиётлар фонди бўлими, илмий-тиббий ахборот, моддий-техник таъминот бўлимлари ва илмий-тадқиқот ва тиббий ишлар сектори ва республика тиббиёт ходимларига кутубхона-библиографик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи 12 та кутубхона филиаллари (тиббиёт илмий-тадқиқот муассасаларида).

ДИТКнинг маъмурий-бошқарув аппарати:

- кутубхона ишини ташкил этади;
- бошқа кутубхоналар, хорижий жамоат ташкилотлари ва хайрия фондлари билан алоқа ўрнатади.

Фондларни тўлдириш ва уларга илмий ишлов бериш бўлими:

- ДИТКга келиб тушадиган барча тиббий ва турли мавзудаги адабиётларга ишлов бериш билан шуғулланади;
- электрон ва карточкали каталогларни яратади.

Фондларни сақлаш бўлими:

- ДИТКнинг асосий ва депозитар фондларини сақлайди;
- фондларни сақлаш ва улардан фойдаланишнинг мақбул шартларини таъминлашга доир бир қатор тадбирлар ўтказилади;
- ноёб ва алоҳида қимматга эга нашрларни консервация ва реставрация қилади.

Илмий библиография бўлими:

- тиббиёт журналлари, кенгашлар, съездлар материалларининг каталоглар ва картотекаларини юритади.
- “Ўзбекистонда тиббиётнинг 150 йиллик тарихи” электрон маълумотлар базасини тузади;
- адабиётларнинг ахборот ва тавсиявий библиографик кўрсаткичларини чоп этишга тайёрлайди.

Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими:

- кутубхона китобхонларига кутубхона-библиографик хизматларини кўрсатади;
- мавжуд фондларни тарғиб қилиш мақсадида ўқув залларида ва конференциялар, съездлар ва кенгашларда адабиётлар кўргазмаларини ташкил этади.

Янги ахборот технологиялари ва хорижий адабиётлар фонди бўлими:

- хорижий китоблар ва журналларга техник ва илмий ишлов беради, EBSCO, MEDLINE, «Россия тиббиёти», Тиббиёт даврий нашрларининг умумий каталоги, маълумотлар базалари бўйича мавзуларни излайди;
- электрон ва карточкали каталогларни яратади.

Илмий-тадқиқот ва методик ишлар сектори:

- Республика тиббиёт кутубхоналари тармоғи бўйича методик материалларни ишлаб чиқади ва тарқатади;
- методик ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида сафарлар уюштиради;
- семинарлар, кенгашлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилади.

Илмий-тиббиёт ахборот бўлими:

- илмий ишларни рўйхатга олади, ИТИ (илмий тадқиқот ишлар) мавзулари бўйича ахборот таъминотини амалга оширади;
- илмий ишлар (диссертациялар, мақолалар) ёзиш ва расмийлаштириш юзасидан маслаҳат беради.

Кутубхона штати 71 та штат бирлигига, шу жумладан, 55 нафар кутубхона ходимларига эга.

2009 йилда кутубхонани таъминлашга 267 млн. 725 минг сўм маблағ сарфланган, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди 126 млн. 851 минг сўмни ташкил этган. Адабиётлар, техника ва ускуналар, жиҳозлар, идора буюмлари харид қилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун сарфланган харажатлар 110 млн. 713 минг сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ДИТК фонди 1 млн. нусхадаги китоблар, даврий нашрлар, авторефератлар, номзодлик ва докторлик диссертациялари, шу жумладан хорижий нашрларнинг 160 мингдан ортиқ нусхадан иборат.

Китоблар орасида Ибн Синонинг араб тилида ёзилган “Тиб қонунлари” асари, Гиппократ асарлари, XVII – XIX асрларда чоп этилган ноёб нашрлар мавжуд. Сеченов, Пирогов, Павлов, Филатов асарлари ва бошқа тиббиёт фани асосчилари, шунингдек, Ўзбекистоннинг кўзга кўринган тиббиёт олимлари асарлари ҳам кўп.

Ҳар йили 25 минг китобхон кутубхона хизматларидан фойдаланади, берилган манбалар сони тахминан 1 млн. нусхани ташкил этади. Уй абонементи, ўқув зали ва ностационар усуллар – Китоблар бериладиган пунктлар, кутубхоналараро абонемент ва сиртқи абонемент (бошқа шаҳарлардаги тиббиёт китобхонлари учун) орқали тиббиёт ходимларига хизмат кўрсатилади.

ДИТК тиббиёт ва турли соҳалар бўйича республика фондини шакллантиришда, шунингдек ахборот тарқатишда муҳим роль ўйнайди.

Ҳар йили кутубхона Ўзбекистонда ва узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда чоп этиладиган 3 мингга яқин китоб сотиб олади, буна бўйича 130 номдаги Россия тиббиёт журналлари ва 20 дан ортиқ номдаги Ўзбекистон Республикасида чоп этиладиган тиббиёт журналларини олади.

Кутубхонанинг маълумот-қидирув аппарати каталоглар тизимида (алифбо, систематик ва предмет каталоглари), мавзули картотекаларда 7 миллиондан ортиқ карточкада хизмат кўрсатади, бу эса кутубхона китобхонларига қийинчиликсиз зарур ахборотни топиш имконини беради.

2000 йилдан бошлаб такроран келиб тушган адабиёт учун электрон ахборот ресурслари

тузилади: китоблар каталоги, авторефератлар ва диссертациялар, мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган журналлар ва тўпламлар мақолаларига тахлилий рўйхат тузилади (шу билан бир вақтда карточкали каталоглар тузилади). «Ўзбекистонда тиббиёт» электрон каталоги ва мавзули картотекалар яратилади.

ДИТК 1868 йилдан буён “Ўзбекистонда тиббиёт» картотекасини юритади, унинг асосида “1868 йилдан буён Ўзбекистонда тиббиёт» ретроспектив кўрсаткичининг 7 қисми тайёрланган: 1-нашр. “ЎзССРда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш тарихи. Гигиена ва санитария”; 2-нашр. “Жарроҳлик. Травматология. Ортопедия”; 3-нашр. “Ички касалликлар (Қон айланиши тизими касалликлари. Овқатланиш тизими касалликлари)”; 4-нашр. “Ички касалликлар (давоми) – Онкология. Тиббий радиология ва рентгенология”; 5-нашр. «Эпидемиология. Тиббий микробиология ва паразитология”; 6-нашр. “Невропатология. Нейрохирургия. Психиатрия. Суд тиббиёти. Ҳарбий тиббиёт”; 7-нашр. “Умумий патология. Фармакология. Токсикология. Умумий ташхис. Умумий терапия”. Ушбу нашрлар 1976 йилдан 1982 йилгача чоп этилган. Ҳозирги вақтда нашр этилган жойидан қатъий назар, Ўзбекистон тиббиёт олимларининг ишлари картотекаларини юритиш давом эттирилмоқда ва параллел равишда картотеканинг электрон версияси тузилмоқда, ушбу серияга кирувчи нашрларни давом эттириш режалаштирилган.

2003 йилдан бошлаб ДИТК Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси, Тошкент техника университети АРМ ва Интернетга жойлаштирилган бошқа йирик кутубхоналар саъй-ҳаракатлари билан ташкил этиладиган Ўзбекистон кутубхоналарининг умумий электрон каталоги иштирокчисига айланди.

90-йиллардан бошлаб ДИТКда кутубхона ва ахборот жараёнларини автоматлаштириш давом эттирилмоқда, автоматлаштирилган кутубхона тизимлари татбиқ этилмоқда, фондлар билан ишлаш ва китобхонларга хизмат кўрсатишнинг анъанавий технологиялари янгиланмоқда. Натижада электрон каталоглар ва маълумотлар базаларини яратиш ва ахборотни автоматик қидириш имконини берадиган дастурий-техник комплекс яратилган.

Ўзбекистон ва Россиянинг йирик кутубхоналарида кўп йиллардан буён фойдаланилаётган АИБС, ИРБИС дастурий воситалари асосида кутубхонада кутубхона технологиялари автоматлаштирилмоқда.

ДИТКда ИРБИС тизими кутубхонага келган янги адабиётларнинг электрон каталогини яратиш, юритиш ва ундан фойдаланиш учун татбиқ этилган.

ИРБИС дастурий таъминотида автоматлаштирилган ишчи ўринларининг (АИЎ) қуйидаги бешта типининг ўзаро фаолияти асосида барча намунавий кутубхона жараёнларини автоматлаштириш технологияси мавжуд: “Комплектатор”, “Каталогизатор”, “Китобхон”, “Китоб бериш”, “Администратор”.

ИРБИС дастурий таъминотининг асосий хусусиятлари:

- фойдаланувчилар сонини чекламай, исталган турдаги маҳаллий ҳисоб-китоб тармоқларида ишлаш;
- корпоратив кутубхона тизимига тўлиқ интеграциялашган;
- исталган миқдордаги маълумотлар базасига мослашган;
- таърифнинг исталган элементлари ва уларнинг мувофиқлиги бўйича тезлик билан излаб, луғатларни автоматик тузиш технологияси.

Ҳозирги вақтда ДИТКда мамлакатимиз ва хориж адабиётларини комплекташ, адабиётларни индексация қилиш, библиографик тасвир ёзиш, библиографик кўрсаткичлар чоп этиш, даврий нашрларга обуна бўлиш жараёни автоматлаштирилган.

Электрон каталог тузилмоқда, у сўров шаклига қараб, алифбо, предмет, системали ва предмет каталоги ҳолига келиб, турли мезонлар бўйича адабиётларни излаш имконини беради.

ДИТК ўз фондларини мумкин қадар кўпроқ тарғиб қилиш ва бошқа шаҳарлардаги китобхонларни уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида хабардор этиш мақсадида халқаро ва республика съездларида, конференцияларда ва семинарларда тиббий адабиётлар кўргазмаларини ташкил этишда фаол иштирок этади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти фаолиятини енгиллаштириш ва ташкилотнинг барча даражаларида дастурларни бажариш мақсадида ахборот тизимлари ва хизматлари яратилган. 1996 йилдан буён Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси Ўзбекистонда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш

ташкilotининг Хужжатлаштириш маркази ролини бажаради ва материалларни кенг тарғиб қилади. Тиббиётнинг долзарб масалалари ва мавзуга оид маълумотлар базасини ташкил этиш бўйича Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи томонидан чоп этиладиган барча нашрларни олади: «Барча учун саломатлик», ҳар йили янгилаб бориладиган статистик маълумотлар базаси, «Reproductive Health», йиллик нашрлар, шунингдек Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи кутубхонаси маълумотлар базасига On-line режимида кира олади.

ДИТК Европа тиббиёт кутубхоналари ассоциацияси аъзоси ҳисобланади ва халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш бўйича катта тажрибага эга.

«Марказий Осиё республикаларида тиббиёт фани ва амалий саломатликни ривожлантиришга кўмаклашиш» дастури доирасида ДИТК Ўзбекистон Республикаси тиббиёт фани ва амалий саломатлигини ахборот билан таъминлаш мақсадида MEDLINE тизими бўйича АҚШнинг Миллий тиббиёт кутубхонаси (Вашингтон) маълумотлар базасидан фойдаланиш имконига эга бўлган. MEDLINE тизими энг катта ахборот кидирув тизими бўлиб, жаҳон миқёсида тиббиётга доир энг аҳамиятга молик адабиётларни ўзида мужассам этган.

2008 йилдан бошлаб ДИТК Интернетда Россия ва Белоруссия тиббиёт кутубхоналари ҳамкорлигида ташкил этилган “MedArt” Тиббий даврий нашрларнинг корпоратив Умумий Электрон каталогининг тўла ҳуқуқли иштирокчисига айланган, бу эса маҳаллий тиббиёт журналларида чоп этилган Ўзбекистон тиббиёт олимларининг ишлари ҳақида жаҳон тиббиёт жамоатчилигини хабардор қилиш имконини беради.

Тиббиёт ходимларининг турли касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш соҳасида эришилган энг сўнги ютуқлар тўғрисидаги махсус адабиётга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши доимо янги ахборот манбаларини излаш ва ресурсларни бойитиб боришни тақозо этади. Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик, масофадан фойдаланиш ва кутубхоналараро абонементдан фойдаланиб, китобхонларга нафақат библиографик ахборот, балки асл манбаларни (электрон версиялар ёки қоғоз нусхаларини) тақдим этиш имконини беради.

Жамиятнинг кутубхоначилиқ касбига бўлган қўйидаги янги талаблари пайдо бўлмоқда: янги электрон технологияларни билиш ва улардан фойдаланиш, корпоратив ҳамкорлик қилиш ва турли кутубхоналарнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш. Турли ахборот тузилмалари билан ҳамкорлик олиб бориш кутубхона фаолиятида хизмат кўрсатиш ролини оширади.

Бу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон тиббиёт кутубхоналари ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 20 октябрда қабул қилган 515-сонли буйруғида ўз аксини топган.

Ҳозирги вақтда Республиканинг кўпчилиқ тиббиёт кутубхоналари янги адабиётларни олиш имконияти бўлмаганлиги сабабли иқтисодий жиҳатдан жуда танг аҳволда.

Вилоят илмий тиббиёт кутубхоналари фаолиятининг таҳлил этилиши қўйидаги натижаларни кўрсатди:

- вилоят илмий тиббиёт кутубхоналари сарф-харажатлар сметасига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вилоят бошқармалари Марказий бухгалтерияси орқали вилоят бюджети маблағларидан молиялаштирилади.

Вилоят илмий тиббиёт кутубхоналари ўз муассасаларининг сарф-харажатлар сметасини тузишда деярли иштирок этмайди ва уларнинг сўровлари ҳисобга олинмайди.

- вилоят тиббиёт кутубхоналарининг кўпчилиги яроқсиз хоналарда жойлашган, улар санитария-гигиена меъёрларига ва бундай хоналарга қўйилган талабларга жавоб бермайди;

- фондни тўлдириш учун ажратилган маблағнинг жуда камлиги туфайли тиббий адабиётлар деярли олинмайди.

Асосан, кутубхоналар ўз фондларини ижтимоий-сиёсий мавзудаги адабиётлар, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotининг бепул тарқатиладиган газета ва журналлари билан тўлдиради;

2007 йилдан бошлаб Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги Вилоят илмий тиббиёт кутубхоналари замонавий компьютер техникалари (ПК Pentium IV, лазер принтерлар, факслар, нусха кўпайтирувчи техника) билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилиқ тиббий ёрдам кўрсатиш маркази вилоят филиаллари базасида жойлашган Фарғона ва Наманган вилоят илмий тиббиёт кутубхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қарши давлат саломатлик институти базасида жойлашган Қашқадарё вилоят илмий тиббиёт

кутубхонаси компьютер ва нусха кўпайтирувчи техникадан фойдаланади. Кўпчилик кутубхоналар Интернет ва e-mailдан фойдалана олади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ДИТК Интернетдан доимий фойдаланиш имкониятига эга.

Ҳозирги вақтда тармоқ кутубхоналари валюта ҳисоб рақамларига эга эмас ва хорижий нашрларга обуна бўлмайди.

Республика кутубхоналарини ахборотлаштириш жараёни ривожланиб борган сари мутахассислар ресурсларни интеграциялаштирмай муваффақиятга эришиб бўлмаслигини яхшироқ англаб етмоқдалар.

Келгусида электрон нашрлар ва маълумотлар базаларидан масофавий фойдаланишни таъминлаш режалаштирилган. Бунинг учун яхши ривожланган минтақавий инфратузилма бўлиши зарур.

Республика тиббиёт кутубхоналари ресурсларининг интеграцияси муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш учун:

1. Вилоят илмий тиббиёт кутубхоналарини техник жиҳозлаш ҳамда компьютер техникаси ва кутубхоналарни автоматлаштириш дастури – ИРБИС билан таъминлаш;

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоят илмий тиббиёт кутубхоналарини Интернетга улаш;

3. Ягона мувофиқлаштирувчи марказ – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ДИТКдан иборат Ўзбекистон тиббиёт кутубхоналарининг корпоратив компьютер тармоғини яратиш зарур.

Амалиёт, асосан, илмий фаолият билан шуғулланаётган тиббиёт ходимлари ва талабалар ахборот ресурсларидан фойдаланишини кўрсатмоқда. Амалиётчи врачларни ахборот билан таъминлаш, уларнинг касб савияларини ошириш, пировардида тиббий ёрдам сифатини яхшилаш долзарб ва мураккаб муаммо ҳисобланади. Янги ахборот технологияларининг жорий этилиши, одатда, муайян қийинчиликлар билан боғлиқ. Хусусан, амалиёт ўтаётган врачлар Интернетда ва электрон ташувчилардаги маълумотлар базаси билан ишлашни пухта ўрганишлари зарур. Бунинг учун амалиёт ўтаётган врачларни, олий ўқув юртлири талабалари ва ёш тиббиёт олимларини ўқитиш учун бир қатор ташкилий, методик ва ўқув тадбирлари ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ходимларига кутубхона-библиографик ва ахборот хизматларини кўрсатишни яхшилаш учун ягона мувофиқлаштирувчи марказга (ДИТК) эга Ўзбекистон тиббиёт кутубхоналари консорциумини ташкил этиш масаласи долзарб вазифага айланмоқда.

Куйидагилар консорциумнинг асосий вазифалари бўлади:

1. ДИТК маълумотлар базаларидан фойдаланишни таъминлаш учун тиббиёт кутубхоналари имкониятларини ягона марказ (ДИТК) билан бирлаштириш;

2. Ҳужжатларни масофадан фойдаланувчига етказиб бериш;

3. Республика соғлиқни сақлаш тизимига ахборот технологиялари ва Интернетни татбиқ этиш;

4. Кутубхона ходимларини компьютер технологияларига ўқитиш, фойдаланувчиларга жойларда хизмат кўрсатишни яхшилаш учун уларнинг маҳоратини ошириш;

5. Иқтисодий жиҳатдан кутубхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва ахборотдан фойдаланиш имкониятларини ошириш, грант бўйича молиялаштириш эвазига кутубхоналар имкониятларини кенгайтириш (кутубхоналар мақомини ошириш);

6. Фойдаланувчиларнинг мамлакатимиз ва хорижий маълумотлар базаларидан фойдаланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича зарур методик ва ўқув тадбирларини ўтказиш.

Лойиҳанинг дастлабки босқичида келгусида корпоратив сервисларни яратишнинг пойдевори сифатида умумий йиғма каталог яратиш, яъни кутубхонанинг барча электрон каталогларини бирлаштириш ва ягона нуқта орқали улардан фойдаланиш имкониятини яратиш асосий вазифа бўлади.

Кейинги босқичда корпоратив ҳамкорликни таъминловчи консорциумнинг барча иштирокчи-кутубхоналари учун On-line режимида умумий каталогга эга ишлаш технологиясини яратишга эътибор қаратилади.

Тиббиёт ходимларининг турли касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш соҳасидаги

энг сўнгги ютуқлар тўғрисида махсус адабиётга бўлган эҳтиёжи доим ортиб бормоқда, шу сабабли вилоят ва туман кутубхоналарини Интернетга улатиш, тиббиёт ходимларига ҳужжатларни электрон усулда етказиб бериш ва ДИТК маълумотлар базаларидан фойдаланишини таъминлаш, тиббиёт кутубхоналари ахборот ресурсларини бирлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда кутубхона консорциумлари лойиҳаси туфайли китоблар сақланадиган омбор ва фонд эгаси бўлган кутубхоналарга турли ресурсларни жалб этиб, фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирувчи сервис ташкилотига айлантириш учун пойдевор яратилган. Консорциумлар электрон муҳитда кутубхона хизматларини кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратишда пойдевор бўлиши мумкин.

Кутубхона ходимларини компьютер саводхонлигига, Интернетдаги навигацияларни билишга ўқитиш кутубхона фойдаланувчилари талаблари бўйича юқори профессионал даражада ахборотни излаш имконини берди.

Кадрларни қайта тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар йили ДИТК доирасида ходим тайёрлаш мақсадида ҳам Вилоят илмий тиббиёт кутубхоналари ва тиббиёт олий ўқув юртлири АРМлари ходимлари учун ҳамда марказий кутубхоналар тизимининг филиаллари ходимлари учун семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Дастурларнинг мавзуси ахборот ва компьютер технологияси соҳасида ходимларни тайёрлаш даражасига мувофиқ келди.

2010 йилда “Каталоглаштиришни ўзлаштириш” мавзуида мутахассислар қайта тайёрланади, умумий каталоглар юритиш ва ишлов бериш бўлимлари ишини модернизация қилиш ва ёзувларни ўзлаштиришда саралаш методикасининг умумий тамойиллари кўриб чиқилади.

Фойдаланувчи сўровлари бўйича электрон тиббиёт ахборотини саралаш бўйича хизматларни ташкил этиш имкониятлар чекланган шароитларда анъанавий ташувчилардаги ахборотни комплектлаш, китобхоналарга сўралаётган мавзулар бўйича ахборот манбаларининг электрон версиясини тақдим этиш имконини берди, бу эса излаш имкониятларини янада кенгайтди ва вақт жиҳатидан, ҳам турли тилларда ахборот тақдим этиш нуктаи назаридан ҳам фойдаланувчиларнинг сўровларини тўлиқ қондириш имконини берди.

2004 йил сентябрь ойидан бошлаб ДИТК “Марказий Осиёда тиббий ахборот беришга ва диплом олгандан кейин тиббий таълим олишни давом эттиришга кўмак бериш” халқаро лойиҳасида иштирок этган. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилинишига ахборот кўмаги бериш лойиҳанинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг тиббиёт кутубхоналари Россия, яқин ва узоқ хориж мамлакатларининг йирик тиббиёт кутубхоналаридан Интернет орқали олинган тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича тезкор ахборот билан таъминланади. Мазкур лойиҳада ДИТК иштироки тиббий ахборот алмашиш ва шифокорларнинг диплом олгандан кейин таълим олишини давом эттиришига, шунингдек, Ўзбекистон тиббиёт ходимларининг хориждаги ҳамкасблари билан ҳар томонлама тажриба алмашишига кўмак беради.

Ўз фондлари, электрон маълумот базалари ва Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда ДИТК замонавий кўптармоқли ахборот марказига айланади, бу эса Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимларини кутубхона-библиографик ва ахборот хизмати билан таъминлаш даражаси ва сифатини ошириш имконини беради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги Республика илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси ҳақида маълумот

Республика Илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча масалалари бўйича нашрларни йиғувчи, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид ўзбек ва хорижий тиллардаги адабиётларни сақлайдиган, пахтачилик бўйича тармоқ маркази, олимларига, мутахассисларга, илмий ходимларга, талабаларга, ташкилотларга кутубхона-библиографик ва ахборот хизматини амалга оширувчи методик марказ бўлган ягона кутубхонадир.

Кутубхона фондининг ҳолати қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

2008	543 700 нусха
2009	544 475 нусха
2010	544 907 нусха

Вақтли матбуот нашрларига обуна учун эса 2008 йил 18 млн. 2009 йил 26 млн., 2010 йилга эса 30 млн. сўм маблағ ажратилган. 2010 йил кутубхонада электрон каталогларни ташкил этиш тизимини ривожлантириш, электрон ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш ишлари режага киритилган.

Вазирлик тизимидаги кутубхоналар ҳақидаги маълумотлар 9-жадвалда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналар ва АРМларнинг 2009 йилги асосий кўрсаткичлари

№	АРМ ва кутубхоналар	фонди		Китобхоналар сони	Олинган адабиётлар сони			Китоб берилиши		Мутахассисларнинг умумий сони				
		Умумий фонд	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	Жами	Шу жумладан маълумоти бўйича			
			Ўзбек тилида			Бадий адабиётлар	Ўзбек тилида		Ўзбек тилида		Олий	Кутубхоначилик	Ўрта махсус	Кутубхоначилик
1	РИПК	341.9	50.4	4.7	3.1	1.1	2.7	178.6	116.1	36	15	6	13	3
2	РБК	219.2	19.9	13.6	2.3	0.1	0.1	351.7	228.6	42	9	15	6	11
3	Пед. ин-т АРМ	1331.3	665.8	56.1	216.3	38.9	183.9	1371.2	891.3	220	66	34	44	63
4	ВХТМОМИ АРМ	149.5	96.2	81.9	4.3	0.8	3.7	829.7	539.5	31	4	14	1	11
5	Вилоят ХТБ АРМ	1061.3	219.6	117.9	7.6	3.2	6.5	1828.9	1188.8	414	90	31	120	162
6	Туман ХТБ АРМ	3136.5	1462.2	718.0	238.0	99.9	202.3	9307.6	6049.9	1616	215	147	760	434
7	Мактаб АРМ	1783.5	1369.7	647.6	77.0	40.8	65.5	6091.7	3959.6	1071	132	140	427	323
8	Мактаб кутубхоналари	18381.6	15319.2	4193.4	434.8	230.4	369.6	49556.0	32211.4	9341	897	714	4136	2868
9	Мактабдан ташқари таълим муассасалари	150.9	103.0	88.8	716	300	608	478.5	311.0	139	21	2	71	34
10	Махсус мактаб-интернатлар	231.9	159.7	28.1	798	335	678	321.3	208.8	105	18	14	46	23
11	Ихтисосл. ган макт. -интернатлар	315.1	252.5	76.4	5.4	2.2	4.6	903.9	587.5	242	34	17	112	65
12	Меҳрибонлик уйи	103.3	64.6	2.7	1.1	0.6	0.9	52.4	34.0	26	5	9	5	5
	Жами:	23008.6	19783.3	6029.7	989.9	419.1	841.4	71272.2	46326.9	13283	1506	1143	5741	4002

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимидаги ахборот-ресурс марказларининг 2009 йилги асосий кўрсаткичлари

№	Худудлар	АРМлар сони	фонди		Китобхоналар сони	Олинган адабиётлар сони			Китоб берилиши		Мутахассисларнинг умумий сони				
			Умумий фонд	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	Жами	Шу жумладан маълумоти бўйича			
				Ўзбек тилида			Бадий адабиётлар	Ўзбек тилида		Ўзбек тилида		Олий	Кутубхоначилик	Ўрта махсус	Кутубхоначилик
1	ҚҚР	78	2149.9	1095.2	148.8	47.7	3.8	32.8	2144.8	1341.5	575	148	56	371	---
2	Андижон	129	2984.8	2183.6	494.0	126.9	18.9	122.1	7687.3	6913.0	808	36	86	686	---
3	Бухоро	88	1860.9	1078.3	170.4	13.1	1.3	12.4	1858.7	2045.8	371	26	37	308	---

4	Жиззах	78	1005.7	636.3	82.8	36.6	0.4	33.8	582.0	580.1	293	65	17	211	---
5	Навоий	36	1616.6	1228.7	81.4	46.1	2.8	45.2	1236.0	1216.1	507	80	14	413	---
6	Наманган	117	999.1	923.9	138.7	61.6	2.0	59.9	4696.1	4320.2	791	33	98	691	---
7	Самарканд	170	1458.2	1249.8	487.2	114.2	18.3	113.7	7028.7	6987.4	537	63	34	240	---
8	Сирдарё	51	11010.1	514.4	52.6	25.9	6.3	22.7	285.6	101.2	533	64	12	350	---
9	Сурхондарё	108	2264.6	1878.1	334.1	148.1	1.0	144.5	4348.1	4087.2	760	36	72	552	---
10	Тошкент ш.	118	2835.5	1633.4	187.5	462.9	16.7	353.4	5347.6	1257.0	590	221	101	268	---
11	Тошкент в.	110	3577.7	1920.2	144.7	90.0	15.4	86.0	2408.8	1923.3	611	99	100	409	---
12	Фарғона	152	1774.5	1701.9	394.6	130.5	29.9	130.0	5581.1	5581.1	775	223	187	355	---
13	Хоразм	91	2295.6	1454.4	217.4	148.4	43.2	139.6	1364.6	1224.2	478	105	95	278	---
14	Қашқадарё	134	1578.6	1268.6	183.6	269.4	14.7	237.8	26647.9	19648.0	548	62	58	428	---
Жами		1460	27412.4	18767.4	3118.6	1722.0	175.4	1534.5	70957.2	57587.7	8177	1571	967	5560	---

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги кўзи ожизлар кутубхоналарининг 2009 йилги асосий кўрсаткичлари

№	Худудлар	Кутубхоналар сони	фонди		Китобхоналар сони	Олинган адабиётлар сони			Китоб берилиши		Мутахассисларнинг умумий сони				
			Умумий фонд	Шу жумладан -дан Ўзбек тили-да		Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан -дан Ўзбек тилида	Жами	Шу жумладан маълумоти бўйича			
							Бадий адабиётлар	Ўзбек тили-да				Олий	Кутубхона-чилик	Ўрта махсус	Кутубхона-чилик
1	РҚОК	1	144.4	31.5	4.1	0.9	0.7	0.5	105.5	67.2	18	13	10	4	3
2	ҚҚРҚОК	6	60.0	24.8	4.3	3.6	3.4	3.4	95.6	42.6	26	10	9	16	15
3	Андижон	9	51.7	34.6	5.6	0.05	0.05	0.05	132.5	123.9	30	11	7	19	12
4	Бухоро	4	26.2	23.3	5.3	0.4	0.4	0.4	101.1	100.3	23	9	2	14	10
5	Жиззах	4	5.6	5.3	3.3	1.2	1.1	1.1	35.6	35.6	7	-	-	7	7
6	Навоий	3	14.4	11.7	2.2	0.2	0.2	0.2	37.2	34.5	8	3	1	5	4
7	Наманган	11	52.7	42.1	4.3	0.002	0.002	0.002	82.6	77.8	28	5	3	20	12
8	Самарканд	9	37.0	23.5	7.4	0.4	0.4	0.4	81.3	72.2	19	8	2	11	6
9	Сирдарё	1	16.0	7.7	1.7	0.2	0.2	0.2	57.0	38.2	10	4	1	6	-
10	Сурхондарё	11	30.8	26.5	6.1	1.0	1.0	1.0	89.1	86.3	20	3	2	9	10
11	Фарғона	2	27.7	17.1	1.4	0.3	0.3	0.3	36.7	33.2	7	3	1	4	1
12	Хоразм	7	10.3	8.8	2.4	0.1	0.1	0.1	31.7	31.3	21	10	6	10	8
13	Қашқадарё	11	41.5	38.5	2.9	2.8	2.7	2.7	62.5	62.1	50,5	6	3	44,5	24
Жами		79	519.0	296.0	51.4	11.6	10.9	10.7	949.0	805.8	267,5	85	47	169,5	112

8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт

кутубоналарининг 2009 йилги асосий кўрсаткичлари

№	Худудлар	Кутубхоналар сони	фонди		Китобхоналар сони	Олинган адабиётлар сони		Китоб берилиши		Мутахассисларнинг умумий сони				
			Умумий фонд	Шу жумладан -дан Ўзбек тилида		Жами	Шу жумладан Ўзбек тилида	Жами	Шу жумладан Ўзбек тилида	Жами	Шу жумладан маълумоти бўйича			
											Олий	Кутубхона-чилик	Ўрта махсус	Кутубхона-чилик
1	ҚҚР	22	51.2	11.5	1.1	0.1	--	42.9	--	23	2	--	4	7
2	Андижон	6	35.0	7.5	5.2	0.08	0.07	31.9	6.6	12	4	1	2	2
3	Бухоро	23	60.6	15.8	4.3	0.6	0.03	12.8	5.9	30	3	--	7	8
4	Жиззах	18	21.8	6.9	5.3	0.4	0.3	152.6	119.4	16	2	2	--	--
5	Навоий	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--
6	Наманган	4	7.3	1.8	2.5	0.1	0.07	7.4	0.6	5	-	--	1	2
7	Самарқанд	12	99.6	46.7	4.5	0.07	0.06	54.8	48.6	15	4	--	3	3
8	Сирдарё	4	24.9	3.6	2.6	0.06	0.01	57.4	45.8	9	2	2	2	3
9	Сурхондарё	22	102.0	56.5	13.0	0.04	0.03	154.6	132.4	20	-	--	1	1
10	Тошкент ш.	17	932.4	306.7	18.8	3.4	0.9	789.7	130.7	60	38	24	6	9
11	Тошкент в.	14	28.1	3.4	1.3	--	--	2.0	0.7	15	1	--	1	1
12	Фаргона	38	168.9	75.1	30.3	4.5	4.4	16.9	3.9	34	1	--	6	8
13	Хоразм	19	189.2	63.3	21.8	3.0	1.5	115.3	83.3	41	11	1	4	7
14	Қашқадарё	7	15.3	1.7	0.8	0.02	0.02	1.4	0.2	10	1	1	2	1
Жами		206	1736.8	601.2	114.3	12.6	7.5	1428.9	590.3	290	69	31	39	52

9-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги
кутубхоналарининг 2009 йилги асосий кўрсаткичлари**

№	Кутубхоналар	Фонди		Китобхоналар сони	Олинган адабиётлар сони		Китоб берилиши		Мутахассисларнинг умумий сони				
		Умумий фонд	Ўзбек тилида		Жами	Шу жумладан Ўзбек тилида	Жами	Шу жумладан Ўзбек тилида	Жами	Шу жумладан маълумоти бўйича			
										Олий	Кутубхона-чилик	Ўрта махсус	Кутубхона-чилик
1	РИҚХ кутубхонаси	544.9	50.6	1.1	0.4	1.0	2.2	0.2	19	15	8	2	2
2	Селекция ва пахта уруғчилиги ИТИ кутубхонаси	47.2	--	0.2	0.02	0.02	0.9	0.08	1	1	--	-	--
3	Бозор ислохотлари ИТИ кутубхонаси	14.7	3.0	0.08	0.005	0.005	0.1	0.1	1	1	--	-	--
4	Қ/Хни электрлаштириш ва механизациялаш ИТИ кутубхонаси	117.1	7.0	0.07	0.001	0.001	7.8	0.5	2	1	1	-	--

5	Ўсимликшунослик ИТИ кутубхонаси	14.3	0.06	0.05	0.001	0.001	0.1	0.003	1	1	---	-	--
6	Шоличилик ИТИ кутубхонаси	16.3	1.1	0.05	0.001	0.001	0.1	0.003	1	-	--	1	--
7	Шредер номидаги виночилик тармоғининг кутубхонаси	9.3	1.0	0.1	0.002	0.002	0.003	0.003	1	1	--	-	--
8	Сабзавот-полиз ва картошка етиштириш ИТИ кутубхонаси	19.0	15.6	0.07	0.002	0.002	0.6	0.6	1	-	--	1	--
9	Қорақўлчилик ИТИ кутубхонаси	84.6	0.4	0.1	0.001	0.001	1.1	1.0	1	-	--	1	--
10	Ветеринария ИТИ кутубхонаси	195.9	0.4	0.1	0.003	0.003	0.2	0.2	4	2	--	2	--
11	Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ кутубхонаси	167.1	1.6	0.1	0.002	0.002	3.1	3.0	1	1	--	-	--
Жами		1230.4	80.76	2.0	0.4	1.0	16.2	5.6	33	21	9	7	2

10-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кутубхоналари, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг 2009 йилги асосий кўрсаткичлари

№		АКМ, АРМ, кутубхоналар сони	АКМ, АРМ ва кутубхоналар фонди			Китобхоналар сони	Олинган адабиётлар сони			Китоб берилиши	
			Умумий фонд	Шу жумладан	Жами		Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
				Ўзбек тилида			Бадий адабиётлар	Ўзбек тилида		Ўзбек тилида	
1.	Ўзбекистон Миллий кутубхонаси	1	6488.8	527.3	31.3	18.9	4.5	2.0	2140.4	1180.8	
2.	Ахборот-кутубхона марказлари	14	4911.6	908.0	203.0	19.0	4.8	12.2	4429.9	2458.9	
3.	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	79	519.0	296.0	51.4	11.6	10.9	10.7	949.0	805.8	
4.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	72	28417.3	11448.5	559.6	303.5	46.8	144.9	25438.3	15159.6	
5.	Халқ таълими вазирлиги	9093	23008.6	19783.3	6029.7	989.5	419.1	841.5	71272.2	46326.9	
6.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази	1460	42254.0	29146.6	5319.1	1860.9	175.4	1649.1	132654.3	116661.9	
7.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	206	1736.8	601.2	114.3	12.6	---	7.5	1428.9	590.3	
8.	Фанлар академияси	25	4735.2	1025.4	36.2	25.5	---	7.8	1560.3	459.2	
9.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	11	1231.0	81.2	2.2	0.6	---	0.2	16.5	5.9	
10.	Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши	131	1609.9	443.3	132.5	28.0	---	13.8	1162.3	379.6	

давоми

№	А К М	Мутахассисларнинг умумий сони	
		Жами	Шу жумладан маълумоти бўйича

